III. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

Жорий йилнинг январь–сентябрь ойларида Тошкент шаҳрида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 14 287,8 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 134,5 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Сергели тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 21,2 %и ўзлаштирилди.

Шунингдек Юнусобод тумани жами инвестициялар ҳажмидан 17,2 %ни, Шайхонтоҳур тумани 11,2 % ни ташкил этмоқда.

Миробод ва Яшнобод туманларида ушбу кўрсаткич мос равишда 8,7 ва 8,5 % ни ташкил этди.

Учтепа ҳамда Бектемир туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг шаҳардаги улуши 4,1% ва 2,9%ни ташкил этди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши

(январь-сентябрь)

	Млрд.сўм	*Ўсиш суръати, % да*	*Жамига нисбатан улуши, % да*
Асосий капиталга инвестициялар	**14287,8**	**134,5**	**100,0**
шу жумладан:			
Марказлашган инвестициялар:	**2550,2**	**153,6**	**17,8**
бюджет маблағлари	785,4	126,5	5,5
Давлат мақсадли жамғармалари	287,4	83,2	2,0
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	1206,9	7,8 м.	8,4
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	270,5	73,7	1,9
Марказлашмаган инвестициялар:	**11737,6**	**131,1**	**82,2**
корхона маблағи	6001,1	127,4	42,0
аҳоли маблағи	931,4	71,7	6,5
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	1415,7	146,1	9,9
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	3389,4	187,0	23,7

Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 153,6 % ёки 2550,2 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 17,8 га) кўп ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 11737,6 млрд. сўм ёки 131,7 % (жами инвестициялардаги улуши 82,2 %).

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1206,9 млрд. сўмни (доллар эквивалентида 150,9 млн. доллар) ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,8 мартага кўпайди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан лойиҳаларга ўзлаштирилган инвестициялар:

Метрополитеннинг 52,1 км қувватга эга бўлган ер усти халқа линияси қурилиши;

Аэропортнинг янги халқаро йўловчилар терминалининг қурилиши;

Тошкент шаҳри кўчаларининг ёритиш тизимида энергия самарадорлик технологияларини қўллаш.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан корхона маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 42,0 %), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (23,7 %) ҳисобига тўғри келди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибижамига нисбатан, фоизда

(январь-сентябрь)



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида саноат етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш

манбалари ҳисобидан 3681,5 млрд.сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 25,8 %и ўзлаштирилган.

Саноат тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 3 фаолият тури қуйидагилар:

- Машинасозлик мажмуаси 801,5 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 5,6 %);
- Озиқ-овқат саноати 680,0 млрд.сўм (4,8 %);
- Ойнасозлик ва фарфор-фоянс саноати 616,9 млрд.сўм (4,3 %).

Ундан кейинги ўринда уй-жой қурилиши тармоғи 2535,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 17,7 %и ўзлаштирилди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологиктаркиби



Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Тошкент шаҳри бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши 42,4 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар 53,4 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши 4,2 % ни ташкил этди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби

(январь-сентябрь)

	Жами	*Давлат*	*Нодавлат*
Жами, *млрд. сўм*	**14287,8**	**3368,9**	**10918,9**
шу жумладан жамига нисбатан % да:			
Қурилиш – монтаж ишлари	42,4	39,6	43,3
Машина, ускуна, инвентар	53,4	49,1	54,7
Бошқа харажатлар	4,2	11,3	1,9

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар

(январь-сентябрь)

	Млрд.сўм	*Жамига нисбатан улуши, % да*	
		2017й.	*2018й.*
Асосий капиталга инвестициялар - жами	**14287,8**	**100,0**	**100,0**
Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	107,7	0,8	1,0
Тоғ - кон саноати	39,7	0,3	0,2
Ишлаб чиқариш саноати	3275,6	22,9	22,6
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	118,4	0,8	0,5
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	310,6	2,2	1,8
қурилиш	496,3	3,5	3,2
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	1210,0	8,5	8,3
Ташиш ва сақлаш	2193,1	15,3	19,4

	Млрд.сўм	*Жамига нисбатан улуши, % да*	
		2017й.	*2018й.*
Яшаш ва овқатланиш бўйича ҳизматлар	145,2	1,0	1,0
Ахборот ва алоқа	423,3	3,0	3,1
Молия ва суғурта фаолияти	520,8	3,6	3,7
Профессионал, илмий ва техник фаолият	431,2	3,0	3,2
таълим	619,4	4,3	3,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	321,4	2,2	2,3
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	355,8	2,5	1,6
Бошқа фаолият турлари	206,8	1,4	0,9

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 39,7 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 0,3%), шу жумладан хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турида 11,1 млрд.сўм, ишлаб чиқариш саноатида 3275,6 млрд.сўм (22,9%), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 680,6 млрд.сўм (4,8%), текстил маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқариш фаолияти турида 137,1 млрд.сўм (1,0%), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 105,9 млрд.сўм (0,7%), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 619,1 млрд.сўм (4,3%), металлургия саноатида 207,5 млрд.сўм (1,5%), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 118,4 млрд.сўм, (0,8%), қурилиш фаолияти турида 496,3 млрд.сўм (3,5%), ташиш ва сақлаш фаолият турида 2193,1 млрд. сўм (15,3%), улгуржи ва чакана савдо,моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 1210,0 млрд.сўм (8,5%), ахборот ва алоқа фаолият турида 423,3 млрд сўм (3,0%), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 619,4 млрд. сўм (4,3%), таълим соҳасида 206,8 млрд.сўм (1,4%), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 2535,3 млрд.сўм (17,7%) инвестициялар ўзлаштирилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби,фоизда

(январь-сентябрь)



Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2018 йилнинг январь-сентябрида 1686,2 млрд.сўм ёки 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 116,5 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 11,0 % ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Юнусободтуманида 47,7 % , Шайхонтоҳур туманида 22,5 %, Учтепа туманида 8,5 % ва Яккасарой туманида 7,8 % кузатилди.

Тошкент шаҳрида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар

(январь-сентябрь)

(млрд.сўм)

	Жами инвестиция ва кредитлар	*шу жумладан:*		*Тўғридан-тўғри ва бошқа инвестиция ва кредитлар*	*шу жумладан:*	
		инвестиция	*кредит*		*инвестиция*	*кредит*
Тошкент ш.	**1 686,2**	**993,0**	**693,2**	**1 415,7**	**993,0**	**422,7**
туманлар:						
Бектемир	11,1	11,1	-	11,1	11,1	-
Мирзо Улуғбек	85,5	85,5	-	85,5	85,5	-
Миробод	59,2	59,2	-	59,2	59,2	-
Олмазор	21,9	19,1	2,7	21,9	19,1	2,7
Сергели	1,5	1,4	0,1	1,5	1,4	0,1
Учтепа	152,5	59,6	92,9	59,6	59,6	-
Чилонзор	12,3	7,6	4,7	10,2	7,6	2,6
Шайхонтоҳур	323,2	176,3	146,9	176,3	176,3	-
Юнусобод	835,5	432,0	403,5	821,4	432,0	389,4
Яккасарой	134,8	93,8	41,1	120,4	93,8	26,7
Яшнобод	48,6	47,3	1,3	48,6	47,3	1,3

Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш

(млн. АҚШ долл.)



Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 229,7 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 195,8 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларни, ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 84,0 % ташкил этди.

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2018 йилнинг январь-сентябрида 1415,7 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 146,1 % ни ташкил қилди.

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркибифоизда

Қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар энг кўп ўзлаштирилди: ишлаб чиқариш саноати фаолият турига жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг 39,7 % ини ташкил этиб, 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 17,1 % пунктга, мос равишда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш тури 10,9 % ни ташкил этиб (10,5 % пунктга),канализация фаолиятида 8,9 % (7,1 % пунктга)кўпайди.

Шу билан бирга, қуйидаги иқтисодий фаолият турларига хорижий инвестиция ва кредитлар: информация ва алоқа фаолият тури 9,9 % ни ташкил этиб (41,9 % пунктга), сув билан таъминлаш, канализация фаолиятида 8,9 % (7,1 % пунктга) камайди.

Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

Ижтимоий соҳада жорий даврда жами умумий майдони 431,3 минг кв.м, бўлган 1648 та турар жой объекти янги қурилиб ишга туширилган.

Ишга туширилган турар жойларнинг ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи Юнусобод туманида ишга туширилган 95,1 минг кв.м. ва у шаҳар бўйича ишга туширилган жами умумий майдоннинг 22,1 %ини ташкил этди. Кейинги ўринларда Сергели, Яшнобод туманлари эгаллаган бўлиб, шаҳар бўйича ишга туширилган жами умумий майдоннинг 19,8 % ва 11,4 %ини ташкил этишган.

Қурилиш ишлари

Жорий йилнинг январь-сентябрида 6500,9 млрд. сўм ёки 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 111,0 % қурилиш ишлари бажарилди.



Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги туманларда кузатилди: Шайхонтоҳур туманида 115,2 % ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 2,5% пунктга кўпайди, мос равишда, Чилонзор туманида 114,2 % (5,1 % пункт), Миробод туманида 113,0 % (7,3 %), Олмазор туманида 111,6 % (4,6 % пункт) кўпайди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 4341,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,6 фоизни (2017 йил январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 111,4 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти

(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари

(млрд. сўм)



Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 60,4 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 19,9 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 19,7 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан, умумий ҳажмдан 70,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.